

ISSN: 2181-0834
DOI: 10.26739/2181-0834

GEOGRAPHY:

NATURE AND SOCIETY

Informing scientific practices around the world through research and development



2020

VOLUME 3, ISSUE 1

11.00.00 – GEOGRAFIYA FANLARI

Bosh muharrir:
Главный редактор:
Chief Editor:

Rafiqov Vahob Asomovich
geografiya fanlari doktori, professor

Bosh muharrir o‘rinbosari:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Sharipov Shavkat Muxamajanovich
geografiya fanlari nomzodi, dotsent

“Geografiya: tabiat va jamiyat” jurnali tahririy maslahat kengashi
Редакционный совет журнала “География: природа и общество”
Editorial Board of the Journal of Geography: Nature and Society

11.00.01 – Tabiiy geografiya /
Физическая география /
Physical geography

Urazbayev A.K. – g.f.d., professor
Raxmatullayev A. – g.f.d., professor
Abdunazarov O‘.Q. – g.f.n., dotsent
Mirakmalov M.T. – g.f.n., dotsent
Ibragimova R.A. – g.f.n., dotsent
Yarashev Q.S. – PhD, dotsent

11.00.02 – Iqtisodiy va ijtimoiy geografiya /
Экономическая и социальная география /
Economic and social geography

Tojiyeva Z.N. – g.f.d., professor
Ahmadaliyev Y.I. – g.f.d., professor
Komilova N.K. – g.f.d., professor
Safarova N.I. – g.f.n., dotsent
Tashtayeva S.K. – g.f.n., dotsent
Egamberdiyeva M.M. – g.f.n., dotsent

11.00.03 – Quruqlik gidrologiyasi. Suv
resurslari. Hidrokimyo / Гидрология суши.
Водные ресурсы. Гидрохимия / Land
Hydrology. Water resources. Hydrochemistry

Hikmatov F.H. – g.f.d., professor
Adenbayev B.Y. – g.f.d., dotsent
Myagkov S.V. – g.f.d., professor
Yunusov G‘.X. – g.f.n., dotsent

11.00.04 – Meteorologiya. Iqlimshunoslik.
Агrometeorologiya / Метеорология. Климатология.
Агrometeorologiya / Meteorology. Climatology.

Агrometeorology
Egamberdiyev X.T. – DSc, dotsent
Abdullayev A.Q. – g.f.d., professor
Petrov Y.V. – g.f.n., professor
Xolmatjonov B.M. – DSc, dotsent
Xolboyev G. – g.f.n., dotsent

11.00.05 – Atrof-muhitni muhofaza qilish
va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish /
Охрана окружающей среды и рациональное
использование природных ресурсов /
Environmental protection and rational
use of natural resources

Rafiqov V.A. – g.f.d., professor
Sabitova N.I. – g.f.d., professor
Nigmatov A.N. – g.f.d., professor
Sharipov Sh.M. – g.f.n., dotsent
Shamuratova N.T. – g.f.n., dotsent

11.00.06 – Geodeziya. Kartografiya /
Геодезия. Картография /
Geodesy. Cartography

Safarov E.Y. – t.f.d., professor
Egamberdiyev A. – g.f.n., professor
Musayev I.M. – g.f.n., dotsent
Muborakov H. – t.f.d., professor
Prenov Sh. – PhD

11.00.07 – Geoinformatika /
Геоинформатика / Geoinformatics

Safarov E.Y. – t.f.d., professor
Gulyamova L.X. – g.f.n., dotsent
Mirmaxmudov E. – t.f.n., dotsent
Abdullayev T.M. – t.f.n., dotsent
Qurbonov B.T. – t.f.d., dotsent

Page Maker | Верстка | Сахифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Расулов А.Б. БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИНГ АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИДА ТУТГАН ЎРНИ ХУСУСИДА.....	4
2. Матназаров А.Р. ЎЗБЕКИСТОНДА ТОҒ МУЗЛИКЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ АСПЕКТЛАРИ.....	15
3. Эгамов Б.Ю. ФИТРАТ ВА ГЕОГРАФИЯ.....	24
4. Хамрокулова Ш.Э. ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.....	31
5. Алимова С.З. МИГРАЦИЯ ВА АҲОЛИНИНГ МИГРАЦИОН ҲАРАКАТИ.....	37
6. Хасанова Н.Н. ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ НЕФТЕГАЗОВОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ КНР И ВОЗМОЖНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЕГО ОПЫТА В УСЛОВИЯХ УЗБЕКИСТАНА.....	44
7. Rayimov R.I., Ibragimov Sh.U., Sag`dullayev Q.A. ХИТОЙ ИҚТИСОДИЙОТИНИ HUDUDIY TASHKIL ETISHNING ASOSIY YO`NALISHLARI.....	51
8. Mukhamadaliyeva N., Shamuratova N. LINKING RURAL TOURISM TO AGRICULTURE IN UZBEKISTAN.....	58
9. Tuvg`unova N.E. OROLBO`YI MINTAQASINI IJTIMOIY-IQTISODIY RIVOJLANTIRISHDA XALQARO NAMKORLIK.....	63
10. Мирзаева Н.А. ЭКОЛОГИК ТАФАККУР ВА ОНГ ТАЛАБАЛАР ЭКОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИНГ АСОСИ СИФАТИДА.....	67
11. Аширов М.Б., Рахматуллаев Ж.Ф. МИНЕРАЛЬНЫЕ ПАРАГЕНЕЗИСЫ И РАСШИРЕНИЕ РЕСУРСОВ СКАРНОВО- РЕДКОМЕТАЛЬНЫХ МЕСТОРОЖДЕНИЙ КОЙТАШ И ЛЯНГАР.....	73
12. Аширов М.Б., Рахматуллаев Ж.Ф., Чўллийев Ф.С. ЯНГИ ДОВОН КОНИ МАЪДАН ТАНАЛАРИНИ МОРФОЛОГИЯСИ ВА УЛАРНИ ҚАМРОВЧИ ТОҒ ЖИНСЛАРИНИНГ МИНЕРАЛОГИК ТАРКИБИ.....	84

ГЕОГРАФИЯ: ТАБИАТ ВА ЖАМИАТ


ГЕОГРАФИЯ: ПРИРОДА И ОБЩЕСТВО

GEOGRAPHY: NATURE AND SOCIETY

11.00.01 – Табиий география
ГЕОГРАФИЯ ТАРИХИ ВА НАЗАРИЯСИ

Эгамов Бахтиёр Юнусалиевич,
Ўзбекистон Миллий университети
“Табиий география”
кафедраси таянч докторанти (PhD),
E-mail: e.baxtiyor@nuu.uz

ФИТРАТ ВА ГЕОГРАФИЯ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-0834-2020-3-3>

АННОТАЦИЯ

Абдурауф Фитрат Ўрта Осиё жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаси, янги ўзбек адабиёти асосчиларидан бири. У Чор ва Совет мустамлакачилиги йилларида яшаб, ўз асарларида икки дунё саодатига эришиш ғояларини олға сурган. Ушбу мақолада маърифатпарвар, давлат арбоби, серқирра олим ва мохир педагог Абдурауф Фитрат ҳаёти ва ижоди, унинг география фани ва таълимини ривожлантириш борасидаги фикрлари ҳақида қисқача маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Биринчи ўзбек профессори, жўғрофия, жадидлар, “Нажот йўли”.

Эгамов Бахтиёр Юнусалиевич,
Докторант (PhD) кафедрасы
“Физической географии”
Национального университета Узбекистана
E-mail: e.baxtiyor@nuu.uz

ФИТРАТ И ГЕОГРАФИЯ

АННОТАЦИЯ

Абдурауф Фитрат крупный деятель Среднеазиатского джадидского движения, один из основоположников новой узбекской литературы. Он жил в царский и советский колониальный период и в своих произведениях продвигал идею достижения счастья двух миров. В статье изложена краткий обзор жизни и творчества просветителя, государственного деятеля, разносторонний ученый и квалифицированный педагог Абдурауфа Фитрата, его взгляды на развитие географического образования.

Ключевые слова: Первый узбекский профессор, география, джадиды «Путь спасения».

Egamov Bakhtiyor Yunusalievich,
Doctoral student (PhD) of the
Department of Physical Geography
National University of Uzbekistan
E-mail: e.bakhtiyor@nuu.uz

FITRAT AND GEOGRAPHY

ANNOTATION

Abdurauf Fitrat is a prominent figure in the Central Asian Jadid movement, one of the founders of the new Uzbek literature. He lived during the tsarist and Soviet colonial period and in his works promoted the idea of achieving the happiness of two worlds. The article presents a brief overview of the life and work of the educator, statesman, versatile scientist and qualified teacher Abdurauf Fitrat, his views on the development of geographical education.

Keywords: The first Uzbek professor, geography, jadids, "The Way of Salvation".

КИРИШ ВА ДОЛЗАРБЛИГИ

Абдурауф Фитрат (асл исм-шарифи Абдурауф Абдурахим ўғли) Ўрта Осиё жадидларининг иқтидорли, тиришқоқ ва тиним билмас ташаббускорларидан бири. У адабиёт, санъат, педагогика ва дунёвий илм-фан соҳаларида фаол иштирок этиб халқ маънавияти, ўлка саодати йўлида катта ишларни амалга оширган ўзбек олимларидан бири.

Мустақилликдан сўнг Абдурауф Фитрат каби жадидлар ижодини ўрганиш нафақат илмий, балки маънавий, маърифий нуқтаи назардан ҳам катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланмоқда. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидаги қуйидаги ғоялар фикримизга исбот бўлади: “Умуман, биз жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади” [1].

Абдурауф Фитрат ижодини кузатар экансиз, унинг серкирра ижоди ва бой илмий меросида географиянинг ўрни бор эканлигига, географик тафаккур ва географик билимлар жамият тараққиётини олға силжишида муҳим манбалардан бири эканлигини акс эттирувчи фикрлар сингдирилган ғоялари талайгина эканлигига гувоҳ бўласиз.

Олим Абдурауф Фитрат ҳаёти ва ижоди ҳақида филология, адабиётшунослик, педагогика, ҳуқуқшунослик, тарих, фалсафа каби фан вакиллари бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борганлигини, Ўзбекистонда Фитратшунос олимлар шаклланиб улгурганлигини кўриш мумкин [11].

Биз олиб борган изланишларимиз давомида география дарсликлари, журналлари ёки тўпламларида Абдурауф Фитратнинг географик қарашлари, ғоя ва таълимотлари ҳақида фикр билдирилган бирорта ишни топа олмадик.

Шу муносабат билан биз ушбу мақолада, олим Абдурауф Фитрат ижоди билан бирга, унинг ибратли ҳаёти ҳақида ҳам қисқача маълумот беришни мақсадга мувофиқ деб билдик.

МЕТОДЛАР ВА ЎРГАНИЛИШ ДАРАЖАСИ

Абдурауф Фитрат Ўрта Осиё жадидчилик ҳаракатининг таниқли вакили, янги ўзбек адабиёти асосчиларидан бири сифатида драматургия, назм ва наср тараққиёти учун муносиб ҳисса қўшган олим. Унинг бой илмий мероси Ҳ. Болтабоев, И. Ғаниев, Б. Қосимов, А. Алиев, М. Қурбонова, М. Эргашева каби олимлар томонидан ўрганилди [3]. Фитрат ҳаёти ва ижодига бағишланган туркум китоблар, илмий мақолалар чоп

этилди, илмий тақикот диссертациялари бажарилди. 2000 – 2010 йиллар давомида унинг асарлари тўпланиб, беш жилдлик танланган асарлари нашр қилинди.

Ушбу мақоланинг тақикот манбалари сифатида Фитратнинг мустақиллик даврида чоп этилган танланган асарлари, Абдурауф Фират ҳаёти ва ижодига бағишланган китоб ва илмий мақолалардир. Ушбу мавзунини ёритишда қиёсий, ҳолислик, тарихийлик методларидан фойдаланилди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Фитрат ўзининг ижоди давомида жамият ҳаётидаги ноҳақлик, ёлғончилик, илмий мушоҳада эта олмаслик каби салбий иллатларни баралла қоралай олган мохир олимдир. Халқнинг ор-номусини танитишда, уни ҳимоя қилишда ўз жонини аямаган жонкуяр ва жафокаш мутафаккир эканлиги, ёшлар онги ва тафақурини замонавий фан ютуқлари билан бойитишга астойдил киришган педагог бўлганлиги ҳақида истиқлол даври қарор топгачгина баралла айтила бошланди.

У 1886 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. “Фитрат” Абдурауфнинг адабий таҳаллусидир. “Фитрат”нинг маъноси туғма истеъдод, туғма табиат деган маъноларни англатади. Унинг отаси Абдурахим ака ўзбек миллатига мансуб бўлиб, савдо-сотик, тижорат ишлари билан машғул бўлган. Онаси Бибижон (Настарбиби, айрим манбаларда Мустафбиби), фарзандлари тарбияси билан шуғулланган [2, Б.5].

Абдурауф Фират (1886-1938)

Абдурауф Фитрат дастлаб эски мактабда, кейинчалик Мирараб мадрасасида таҳсил олган. Беш йил давомида (1909 – 1914) Истанбулда таҳсил олади ва Туркия маорифининг ривожланишига маълум маънода ўз ҳиссасини қўшган [10, Б.357-358]. Олим Шарқ халқлари тарихи, адабиёти, дини ва маданиятини яхшилаб ўрганади. Шунингдек, дунёвий фанлар ҳисобланган табиий фанларни ҳам чуқур ўрганади. Фанларнинг фалсафий масалалари, фан классификацияси билан кенг шуғулланади. Унингча, ҳикмат ими уч қисмга бўлинади: 1. Табиий илм. 2. Риёзий илм. 3. Фалсафий илм [8, Б.102].

Серқирра олим ижод билан бирга, жамиятнинг ижтимои-сиёсий жабҳаларида ҳам фаол иштирок этди. У 1913 йилда Туркиядан Бухорога қайтиб келиб, янги ғоя ва тажрибаларига таяниб жадид мактабларини очади, дарсликлар яратади [10, Б.358]. 1917 йил феврал инқилобидан кейин сиёсий ишларга киришиб кетди ва шу йилдан Бухоро амирининг қатағон сиёсати туфайли Тошкентга келади. “Фитратнинг Тошкентдаги энг йирик хизматларидан бири “Чиғатой гурунги” жамиятини ташкил этиш бўлди” деб ёзади Б.Қосимов [10, С.360]. 1920 йилда Фитрат бошчилигидаги гуруҳ “Мия ўзгармагунча бошқа ўзгаришлар негиз тутмас!” шиори остида “Тонг” журнаliga асос соладилар. 1920 йил охирларида яна Бухорога қайтиб, сиёсий ишларда фаол қатнашади, таълим ислохотларида ўз ғояларини амалга оширишга уринади.

Тараққиёпарвар олим 1923—1926 йилларда Россиянинг Москвадаги Шарқшунослик илмий-текшириш институтида ишлади, Ленинград давлат университети Шарқ факультети Шарқ халқлари тили, адабиёти, маданияти




мавзуларида маърузалар олиб борди. 1924 йилда профессор илмий унвонини қўлга киритиб, тарихда биринчи ўзбек профессори сифатида эътироф этилди.

1926 йилнинг охири — 1927 йилнинг бошларида Ўзбекистонга қайтиб келган Фитрат, ўн йил, яъни ҳибсга олингунига қадар Самарқанддаги Олий педагогика институти ва Тошкентдаги Тил ва адабиёт институтида хизмат қилди [4].

Фитрат кўплаб долзарб мавзуларда илмий натижаларга эришган. Унинг 200 дан ортик ижодий ишлари орасида тилшунослик, адабиётшунослик, санъатшунослик, тарих, фалсафага оид ишлари асосий ўринни эгаллайди. Унинг “Мунозара”(1909), “Ҳинд сайёҳи баёноти” (1912), “Мухтасар ислом тарихи” (1914), “Нажот йўли” (1915), “Оила” (1916), “Ислохот ва Бухоро” (1917), “Ўқув” (1917), “Она тили” (1918) каби кўплаб асарлари унинг серкирра ижод эгаси эканлигидан далолат беради.

Фитрат тараққиёт, ривожланиш йўллари ҳақида ҳам кўп ёзади. У Абдулла Авлонийнинг тарбия ҳақидаги “Тарбия ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат” буюк ҳикматидан-да кам ҳикмат ёзмади. Ўз асарларида одамнинг ҳаётий ғояси икки дунё саодатига эришиш эканлигини қайта-қайта такрорлайди. Қайси қавм шундай саодатга эришишни истамаса, махлуқлардан фарқи бўлмас дейди. Бунинг учун табиий илмларни ўқиш лозимлигини ўқтиради [8, С.106-108].



Фитратнинг “Мунозара” китоби муқоваси (Истанбул, 1909)

У жамиятда кечаётган воқеалардан яхши хабардор бўлди ва ўлканинг аянчли аҳволидан ачинди. Ўз асарларида халқни огоҳликка, дунёвий илмларни эгаллашга, ижтимоий ғафлатдан қочишга чорлади. Олим, “...башариятни гўдаклик ва нодонликдан қутқариш учун ҳаракат қилмоғимиз зарур”. – деб ёзади [6, Б.35.]. Унингча, - “Ахир инсоф ва андиша лозимдир. Биз туркистонликлар 20 йил муддатида машаққат ва меҳнат қилиб таҳсил оламиз, у таҳсилимиз араб тилида жорий қилиниб, ўрганган барча илмимиз динийдир, шундай экан, нега фикҳга доир бир масалани фикҳ илмини қўллаб ечадиган бир олим орамиздан чиқмайди? Нега ақалли юз кишини йиғиб ҳадиси шарифдан дарс берадиган фозилимиз йўқ? Нега оврўполик олимларнинг ботил ақидалирини рад қилиб, исботлайдиган мутакалим (бир доно

нотик)дан асар ҳам йўқ? Нега... Нега... Нега...?” [6, Б.69-70]. Чаласавод дин пешволари тор доирадаги масалалар билан ўралашиб қолган бир пайтда, унинг гаплари мисли вулқон каби уламо ва эскичилик тарафдорларини аёвсиз куйдирар эди.

Олим ўзининг “Нажот йўли” номли асарида дунёвий илмларни ҳар томонлама таҳлил этиб, уларни диний – дунёвий жиҳатларини очиб беришга ҳаракат қилади. Жумладан, у асарнинг “Жўғрофия” деб номланган фаслида, - “Жўғрофия – ер юзи ва ундаги аҳолининг аҳволи (хўжалиги – Б.Э)ни ўрганади” – деб ёзади [8, Б.100]. У география фани тарихини ёритар экан, - “Бу илм жуда қадимдир. Ислом уламолари уни юнонликлардан ўргандилар. Кўп олимлар жаҳд ва ҳаракатлар қилиб бу илмни ислоҳ этиб ривожлантирдилар. Ислом уламоларини баъзилари бу илмнинг ривожига ва

тараққиёти учун Боғдоддан Чингача саёхат қилиб, маълумотлар йиғиб, бу илмни бойитдилар” – деб ёзади [8, Б.101].

Фитрат асарда география фани тадқиқотлари, илмий янгиликлари ва тараққиётга муносиб ҳисса қўшган олимларни санаб ўтади. “Аллома Абуисҳоқ Истаҳрий 340 йили олам бўйлаб саёхат этиб, жўғрофияга оид “Китоб ул-ақолим” (Иқлимлар ҳақида китоб) номли асар ёзди. Фаранг олимлари қадимий жўғрофияга оид бу асарни энг мўътабар ҳисоблаб, ўз тилларига ўгирганлар”. Олим асарда шу тариқа жаҳон география фани тарихи ва тараққиётга улкан ҳисса қўшган Ибн Ҳавқал ал-Мавсулий, Идрисий каби араб географ олимларини фаолияти ва географик меросини ёритган [8, Б.101].

Асар давомида “жўғрофия фани бизга керакми-йўқми” деган ўринли саволни ўртага ташлайди. Саволга жавобан, у ривожланиш, тараққий этиш учун географик тафаккурга эга бўлиш лозимлигини Қуръон Карим оятлари, дунёвий мисоллар орқали асослаб беришга ҳаракат қилади. Одамларни саёхат қилиш ва географик адабиётларни ўқиш орқали географияни ўрганишга даъват этади [8, Б.101].

“Нажот йўли”нинг “Сув” ва “Тупроқ” деб номланган мавзуларида атроф муҳитни асраш, экологик тарбия ва маданиятни шакллантириш ғоялари сингдирилган [8, Б.167-170].

Халқ хўжалиги, яъни иқтисодиёт тармоқлари ҳақида “Нажот йўли”да бир қатор қимматли маълумотлар келтирилган. Фитрат иқтисодиёт тармоқларини 7 та турга ажратади: 1) Ихрож санъати (кон саноати); 2) зироат санъати (қишлоқ хўжалиги); 3) аъмол санъати (саноат); 4) тижорат санъати; 5) нақлиёт санъати (транспорт); 6) турли хил санъатлар (хизмат кўрсатиш); 7) шахсий хизматлар.

“Нажот йўли”нинг “Маъданлардан фойдаланиш (ихрож) санъати” мавзусида ер ости бойликларини топиш, уларни қайта ишлашда Европа олимлари эришган ютуқларни мисол қилиб кўрсатади. У нефть, тошқўмир, темир ва бошқа маъданларсиз ҳеч бир халқ тараққиётга эриша олмаслигини, улардан ўз вақтида фойдаланиш зарурлигини таъкидлайди. Мавзу давомида Бухоронинг ер ости ва ер усти бойликларига бухороликларнинг ўзлари эгалик қилиши лозимлигини, бунга юқори малакали мутахассисларсиз эришиб бўлмаслигини, ёшларни ривожланган мамлакатлар ўқув юртларига юбориш лозимлигини, Бухоронинг ўзида турли касб-ҳунар мактаблари очиш кераклигини, мактабларда ёшларга замонавий дунёвий фанлардан, жумладан, географиядан таълим бериш каби ғояларни олға сурган [8, Б.175].

“Зироат санъати” деб номланган кейинги мавзуда қишлоқ хўжалигининг мақсади, мазмуни ва аҳамиятини очиб берган. Унда Бухородаги қоқоқ қишлоқ хўжалиги, унинг бундай ҳолатга келиб қолиш сабаблари, омиллари таҳлил қилинган. Бухоро қишлоқ хўжалиги соҳасига ихтисослашганлиги ва аҳолининг кўпчилиги қишлоқ хўжалиги билан шуғулланишини билдиради. Франция, Япония давлатларининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ютуқлари ва тажрибалари, ҳайротомуз машиналари ҳақида тўхталиб, “Бахтга қарши бизнинг мамлакатимизда Бухоро ва Хива ҳукуматлари ўзларининг бутун куч-қувватларини деҳқончиликнинг зарарига ишлатадилар” деб ёзади [8, Б.176].

“Аъмол санъати” мавзусида саноат қадимийлиги ҳамда тоғ-кон, қишлоқ хўжалиги саноат тармоқлари билан узвий боғлиқ эканлиги баён қилинади. Ривожланган давлатларда замонавий фабрика ва заводларда қўл меҳнати ўрнига робот-машиналардан фойдаланиш амалиёти жорий қилинганлиги ёритилади. Шунингдек, Туркистонда саноат тармоғи яхши ривожланганлиги, тўқимачилик, тикувчилик соҳасида четга экспорт қилиш йўлга қўйилганлиги таъкидланади. Фитрат ушбу мавзуда миллий саноатимизнинг тараққиёти ва боқий қолиши учун маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллий аҳолини ўз маҳсулотларини сотиб олишга даъват қилади, бу муҳим чоралардан биридир дейди [8, Б.179].

Кейинги “Наклиёт санъати” деб номланган мавзуда транспорт географияси, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш, хорижий вальюта тушуми ҳақида бир қатор амалий билимлар келтирилган [8, Б.180-181].

Фитратнинг мактаб ўқувчиларига мўлжалланган “Ўқув” (1917 й., Боку) қўлланмасининг биринчи қисми ватан, табиёт, география, тиббиёт ва гигиена сингари масалалар, шунингдек, ўтмишда яшаган алломалар ҳақида тасаввур беради.

“Ўқув” номли қўлланмада Ернинг шакли, дарё, кўл, дунё океани, китъалар, давлатлар ва уларнинг пойтахтлари, ёмғир, Американинг кашф этилиши ҳақидаги билимлар савол-жавоб ва ҳикоя усулида баён этилади.

Жумладан, қўлланманинг “Фанний билгулардан: Ер” мавзусида Ер юзасининг тузилиши, Ернинг шакли, қуруқлик ва сувли муҳитининг улуши, қуруқликдаги сувларнинг турлари, ўлкадаги энг муҳим дарёлар, кўл ҳақида маълумотлар акс этган [7, Б.94-95].

“Олтун ер остиндадир” деб номланган мавзусида деҳқончилик ҳақида, шунингдек, олтин, нефть, темир қазилмалари, уларни қайта ишлаш саноати ҳақида маълумотлар берилади. Бу фикр, унинг “Нажот йўли” асаридаги ғояларининг ҳаётий мисоли сифатида тасвирланади. Бу билан, Фитрат мамлакат тадбиркорлари шундай йўл тутиши керак деган ғояни илгари суради [7, Б.96].

“Фанний билгулардан: Давлатлар” деб номланган кейинги бир мавзуда йирик қуруқликлар (материклар), Европанинг 20 та, Осиёнинг 6 та, жами 30 га яқин давлатлар, уларнинг пойтахт шаҳарлари, бошқарув шакллари ҳақида маълумот берилган. Ҳиндистон мустамлакаси ҳақида савол бериб, ўқувчида мустақил ва мустамлака давлатлар ҳақида фикр уйғотади. Фитрат бу билан мамлакат аҳлини геосиёсий тафақуқури шакллантиришга, оқибатида миллий мустақиллик ғояларини кўртак отишига умид қилган [7, Б.97].

“Фанний билгулардан: Ёғмур” деб номланган бошқа бир мавзуда атмосфера жараёнлари, атмосфера циркуляцияси, булут, конденсация, буғланиш тўғрисида содда ва аниқ маълумотлар ўрин олган [7, Б.112].

“Американи ким топган?” деган мавзусида Христофор Колумбнинг қисқача ҳаёти, қизиқишлари, Американи кашф этишдаги далиллар, экспедицияни ташкил этишдаги қийинчилик ва музокаралар, ниҳоят Американинг кашф этилиши ҳақида қизиқарли маълумотлар баён қилинган. Экспедицияга испаниялик Изабелла ҳомийлик қилгани, учта кема ажратгани ва 120 кишилик таркиб ажратгани ҳақида маълумотлар келтирилган [7, Б.115].

Фитрат ўз асарлари, мақолалари ва нутқларида география, табиий илмлар диний эътиқодларимизга зид эмаслигини, билакс диний билимларимизни янада камол топишига хизмат қилишини кўп бора таъкидлайди. Ҳар бир мавзу бўйича муқаддас Ислом динимиздаги ҳикматли ҳикоялар ва Қуръони карим оятларидан аниқ мисоллар ёрдамида, зид эмаслигини очиқ беради. Жумладан, Фитрат “Табиий илмлар бизларга хилқатнинг илоҳий қонунларини тушунтириб, иймонимизни комил қилади” дейди [8, Б.109].

ХУЛОСАЛАР

Тоҳир Малик Фитрат ҳақида ёзар экан, - “У қомусий билимга эга олим, адабиёт назариячиси, ўткир тилшунос, ўзига хос драматург ва шоир, жанговар сиёсий публицист, ношир, журналист ва талантли давлат арбоби эди” дейди [5]. Биз бу жумлаларга тараққиёт куйчиси ва табиатшунослик фанлари тарғиботчиси деган таърифларни қўшиш янада ўринли бўлар эди, деб ҳисоблаймиз. Чунки, Фитратнинг ҳар бир ижод маҳсулида мамлакат тараққиётининг аҳамияти, истикболи, унга эришиш йўллари ва кўрсатмалари акс этган. Тараққиётга эришишда табиий илмлар асосий восита деб қарайди.

Унинг асарларида ватан тақдири учун ачиниш, ўлканинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, мафкуравий ҳолидан изтиробга тушиш ҳолатлари яққол намоён

бўлади. У юзага келган адолатсизликларни чуқур таҳлил этиш, далилларни қиёслаш, умумлаштириш асносида ўзгалар тилидан ўз дардини тўқиб-сочиб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўллари хам кўрсатади. Фитрат бошқа жадидлар сингари ўлкадаги бундай қолоқ ижтимоий ғафлатни маърифатдан излайди.

Фитрат адабий ижоди, илмий мероси ва кенг қамровли ижтимоий-сиёсий фаолияти билан ўзбек адабиёти, тарихи, санъати, маданияти билан бирга, ўзбек табиатшунослиги ва географиясига муносиб ҳисса қўшган буюк сиймодир. Абдурауф Фитрат география фанларига оид алоҳида асар ёзмаган бўлсада, деярли барча маърифий асарлари географик фикрлар, ғоялар, табиатшунослик илми тарғиботи билан суғорилган.

Абдурауф Фитратнинг ҳаёти ва фаолиятига, айниқса географик қарашларига бағишланган ушбу мақола юзаки ва умумий тусга эга. Олимнинг илмий ижодини ўрганиш география соҳасида янги фикр, ғоя ва қарашларни билишга, замонавий географиядаги баъзи муаммоларни ҳал қилишда муҳим ўрин тутишига ишонамиз.

Иқтибослар/Сноски/References

- [1]. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // [https://nrm.uz/contentf?doc=612868_\(2020_yil_24_yanvar\)](https://nrm.uz/contentf?doc=612868_(2020_yil_24_yanvar)).
- [2]. Болтабоев Ҳ. Фитрат ва жидидчилик: илмий – тадқиқий мақолалар. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – 286 б.
- [3]. Жумладан: Болтабоев Ҳ. Абдурауф Фитрат – адабиётшунос. – Т.: “Ёзувчи”, 1996. – 120 б.; Болтабоев Ҳ. Фитрат ва жадидчилик. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – 286 б.; Ғаниев И. Фитрат драмалари поэтикаси. – Т.: Фан, 2005. – 282 б.; Алиев А. Абдурауф Абдурахим ўғли Фитрат. – Т.: 1984; Қосимов Б. Маслакдошлар. Бехбудий. Ажзий. Фитрат. – Т.: Шарқ, 1994; Курбонова М. Фитрат – тилшунос. – Т.: 1996; Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. –Т.: Маънавият, 2002. – 400 б.;Эргашева М. Абдурауф Фитрат – буюк ҳуқуқшунос. – Т.: 2001.
- [4]. Каримов Н. Абдурауф Фитрат (1886-1938) // <https://ziyouz.uz/uzbek-ziyolilari/abdurauf-fitrat-2/>.
- [5]. Тохир Малик. Фитрат // <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/tohir-malik-fitrat>.
- [6]. Фитрат А. Раҳбари нажот. – Т.: Шарқ, 2001. – 176 б.
- [7]. Фитрат Абдурауф. Танланган асарлар, 5 жилдлик IV жилд. – Т.: “Маънавият”, 2006. - 336 б.
- [8]. Фитрат Абдурауф. Танланган асарлар, 5 жилдлик V жилд. – Т.: “Маънавият”, 2010. - 304 б.
- [9]. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2005.
- [10]. Қосимов Б. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Т.: Маънавият, 2004. – 464 б.
- [11]. Ғаниев И. Фитратшунослик. Бухоро, 1994.

GEOGRAFIYA: TABIAT VA JAMIYAT

3 SON, 1 JILD

ГЕОГРАФИЯ: ПРИРОДА И ОБЩЕСТВО

НОМЕР 3, ВЫПУСК 1

GEOGRAPHY: NATURE AND SOCIETY

VOLUME 3, ISSUE 1

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000